

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ СУРУНКАЛИ
ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁХВАНДЛИККА РЎЖУ ҚЎЙГАН
БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ МУАССАСАСИГА
ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси 3-ўқув курси 313-гуруҳ курсанти
Холмуродов Шербек Икром ўғли**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси
ўқитувчиси, катта лейтенант
Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли**

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар “Инсон — қадрли учун” тамойилига асосланади. Ушбу жараёнда ички ишлар органларининг таянч пунктлари ҳамда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика инспекторлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий институционал пойдевори ҳисобланади.¹

Барчамизга маълумки мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг мақсади “Инсон – қадрли учун” деган езгу гоя асосида фуқароларни ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Профилактика инспекторлари ўз ҳудудида

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни (15 ва 15¹-моддалар: таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг роли).
<https://lex.uz/docs/3027843>

сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу кўйган шахслар билан ишлаш фаолияти долзабр масалалардан бир ҳисобланади.²

Далватимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак”³, деб бежизга таъкидмаганлар.

Алкоголь маҳсулоти бу – коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти².

Алкоголга қарамлик–алкоголь маҳсулотига патологик ружу кўйиш, алкогольдан сурункали захарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (сурункали алкоголизм)³; Гиёҳвандлик—турли хил гиёҳ моддалари яъни, наркотиклар таъсирига одам организмининг ўрганиб қолиши натижасида юзага келадиган оғир касалликдир. Гиёҳвандликнинг халқаро атамаси наркомания дейилиб, бу сўз юнонча «нарке» –карахтлик, ҳаракатсизлик, «мания»-ақлдан озиш маъносини англатади. Чунончи, наркотик моддани қабул қилган одам карахт бўлиб, ҳаракатсизланиб фикрлаш, ақлий фаолият қобилятларини йўқотади⁴. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бир қаторда ёшларни

² Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 753-ХП-сон “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги Қонуни (умумий таъриф ва мажбурий даволаш асослари). <https://lex.uz/docs/110156>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни “Жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши” <https://president.uz/uz/1914>.

жамиятга мослаштириш, жиноятчиликка ҳамда ёшлар ўртасида спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини тарқатилишига қарши кураш билан шуғулланувчи давлат идоралари ҳамда улар тизимларида тез ва кенг қўламли ислохотлар олиб борилди. Ёшлар орасида ичкиликбозлик ва спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларига бўлган суиистеъмоллик ҳолатининг ўсиши нафақат аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, балки катта миқдорда ижтимоий ва иқтисодий йўқотишларга ҳам сабаб бўлади. Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича мактаб ёшидаги шахслар спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини қизиқиш оқибатида истеъмол қилиб кўради. 14–16 ёшлилар томонидан спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини истеъмол қилишнинг бирдан-бир сабаби унинг дўстлари даврасидан ажралиб қолишни ҳоҳламаслигида ҳисобланади. Мазкур омил кўрсатгичи 17–18 ёшлилар орасида 2 маротаба аҳамияти йўқотса, 20–30 ёшлилар орасида бу ҳолат кузатилмайди. Улар томонидан спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари лаззатланиш, ҳордиқ чиқариш мақсадларида истеъмол қилинади. Ўтказилган тадқиқотларда хавф-хатар гуруҳига кирувчилар ёшлар қаторида қизлар ҳам мавжуд эканлигини баён қилишган. Жиноятга оид статистика ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти маълумотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари таҳлиliga қараганда охирги даврда гиёҳвандилик моддалирини истеъмол қилишнинг жуғрофий кенглиги ва спиртли ичимликка ружу қўйиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг нисбати ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, “Спиртли ичимликка ружу қўйиш, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандлик” жиддий криминоген ҳолат ҳисобланиб, айрим ҳудудларимизда тезкор вазиятнинг мураккаблашиб кетишига олиб келмоқда. Жамиятимиз ҳаётида бундай салбий иллатнинг йўқ қилиб юбориш, уни бартараф этиш кенг ва оммавий тарзда йирик ижтимоийсиёсий, маъмурий, тиббий ва бошқа бир қатор муаммолардан иборат бўлган комплекс масалаларни ҳал этиш лозим. Айниқса халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, доимий тарзда, керак бўлса жойларда тарғибот ишларини самарали амалга оширишимиз

зарур. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган эркин демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотлар биринчи навбатда жамият аъзоларини тинчлигини таъминлаш, уларни эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилган.

Профилактика инспектори сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка рўжу қўйган шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишни таъминлайди. Наркологик касалликка чалинган шахсларнинг жамият ва оилага салбий таъсирини камайтириш мақсадида профилактик, ҳуқуқий ва ташкилий чораларни амалга оширади. Суд, соғлиқни сақлаш органлари ва маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда иш юритади⁵.

Профилактика инспекторлари спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилиш;

-гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ҳолатлари;

-жамоат тартибини бузиш, оилавий жанжаллар, маиший зўравонлик каби ҳолатларни таҳлил қилади. Наркологик касаллик белгилари мавжуд бўлган шахслар ҳақида маълумотлар тўпланади ва белгиланган тартибда ҳисобга қўйилади. Наркология муассасаси ҳулосаси асосида шахсга нисбатан мажбурий даволаш масаласи кўриб чиқилади. Бундан ташқари профилактика инспекторлари наркологик касалликка чалинган шахснинг ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракатларини ҳужжатлаштиради, тиббий ҳулосалар ва профилактик материалларни тўплайди, судга тақдим этиш учун асосланган материалларни тайёрлайди. Суд қарори қабул қилинганидан сўнг, шахсни мажбурий даволаш муассасасига жойлаштириш чоралари кўрилади. Ички ишлар органлари ходимлари орқали шахс суд қарори асосида наркология муассасасига олиб келинади.⁶

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонуни (40-модда: мажбурий даволашга юбориш; 34–39-моддалар: профилактик ҳисобга олиш). <https://lex.uz/docs/2387357>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 753-ХП-сон Қонуни (мажбурий даволаш тартиби, суд қарори, ички ишлар органларининг материал тайёрлаш ва шахсни олиб келиш роли). <https://lex.uz/docs/110156>; шунингдек, ЎРҚ-644-сон “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонун (2020 йилдаги ўзгартиришлар). <https://lex.uz/docs/> (тегишли янги қонун)

Шахсни мажбурий даволаш муассасасига жойлаштириш жараёнида профилактика инспектори муҳим ўрин тутди. У, аввало, шахснинг суд қарорига мувофиқ равишда белгиланган муассасага жойлаштирилганини назорат қилади. Бу жараёнда қонунийликка қатъий риоя этилиши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари асоссиз чекланмаслиги таъминланиши шарт⁷.

Профилактика инспектори муассаса қўриқлаш хизмати билан ҳамкорликда иш олиб бориб, шахснинг ўзбошимчалик билан муассасани тарк этишининг олдини олиш чораларини кўради. Шунингдек, шахсни муассасага олиб келиш жараёни амалдаги қонунчилик талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, инсон қадр-қимматига путур етказмаган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди.

Мажбурий даволаш даврида профилактика инспекторининг фаолияти узлуксиз ва тизимли характерга эга бўлади. У наркология муассасаси маъмурияти билан доимий алоқада бўлиб, беморнинг умумий ҳолати, ҳуқ-атвори, ички тартиб-қоидаларга риоя қилиши ҳамда реадaptация жараёнини мунтазам мониторинг қилади.⁸

Зарурат туғилганда, профилактика инспектори беморнинг оила аъзолари билан тушунтириш ишларини олиб боради, уларга даволашнинг аҳамияти, кейинги ҳаёт тарзи ва ижтимоий мослашув масалалари бўйича маслаҳатлар беради. Агар мажбурий даволаш муассасасидан қочиш ҳолати юзага келса, зудлик билан қидирув ишлари ташкил этилади ва шахсни қайта муассасага қайтариш бўйича қонуний чоралар кўрилади.

Наркология муассасасидан чиқарилган шахсга нисбатан профилактика ишлари давом эттирилади. У профилактик ҳисобга олинади ва яшаш жойи бўйича тегишли назорат ўрнатилади. Бу назоратнинг асосий мақсади — шахснинг қайта ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка қайтиб кетишининг олдини олишдан иборат. Шу билан бирга, меҳнат органлари ва маҳалла институтлари

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни (16-модда: суд қарорларини ижро этиш, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш). <https://lex.uz/docs/3027843>

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 753-ХП-сон Қонуни (даволаш давридаги назорат ва ҳамкорлик). <https://lex.uz/docs/110156>

билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилади. Хусусан, шахсни ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мажбурий даволаш тартиби талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Бу жараёнда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва оғирлик даражаси инобатга олинади.

Профилактика инспектори ўз фаолиятини амалга оширишда қонунийликка қатъий амал қилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиши, шунингдек тиббий хулосалар ва мутахассислар фикри устуворлигини таъминлаши шарт. Айнан шу ёндашув мажбурий даволаш тизимининг самарали, адолатли ва инсонпарвар бўлишини таъминлайди.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика тизимининг энг қуйи ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, ушбу таянч пунктлар қишлоқлар, овулар ва маҳаллаларда жамоат тартибini сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларини бевосита жойларда амалга оширади. Улар аҳолига энг яқин бўлган тузилма сифатида профилактик фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди.

Таянч пунктларда профилактика катта инспектори, профилактика инспектори ҳамда жамоат тартибini сақлаш бўйича уларнинг ёрдамчилари фаолият юритади. Айниқса, профилактика инспектори аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб, ҳар бир оила ва ҳар бир шахсдаги муаммолардан хабардор бўлиш имкониятига эга. Бу эса ҳуқуқбузарликка олиб келувчи омилларни барвақт аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Профилактика фаолиятини янада самарали ташкил этишда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Қонуннинг 15¹-моддасига кўра, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-

тартибот идоралари ҳамда жамоат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни маҳалла кесимида таъминловчи муҳим комплекс марказ ҳисобланади. Бу масканларда профилактика инспектори хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор, пробация инспектори, тезкор вакиллар, патруль-пост хизмати ходимлари, Миллий гвардия ва жамоат тузилмалари вакиллари билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради. Бундай комплекс ёндашув ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби ижтимоий хавфли иллатларга қарши курашишда юқори самара беради.

Сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши профилактикада профилактика инспектори асосий субъектлардан бири ҳисобланади. У бундай ҳолатларни аниқлайди, тегишли шахсларни белгиланган тартибда ҳисобга олади ҳамда наркологик муассасалар, суд органлари ва маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни ҳужжатлаштиради, судга тақдим этиш учун асосланган материаллар тайёрлайди. Мажбурий даволаш жараёнида эса суд қарорининг қонуний ижросини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари асоссиз чекланмаслигини назорат қилиш ҳамда инсон қадр-қимматига риоя этилган ҳолда муассасага жойлаштирилишини таъминлаш профилактика инспекторининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Даволаш муассасасидан чиқарилган шахс билан ишлаш ҳам профилактика инспекторининг доимий эътиборида бўлади. Бундай шахс профилактик ҳисобга олинади, яшаш жойи бўйича назорат қилинади, маҳалла ва меҳнат органлари билан ҳамкорликда уни ишга жойлаштириш ва ижтимоий мослашувига қўмаклашилади. Бу босқичдаги асосий мақсад — шахснинг қайта ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка қайтиб кетишининг олдини олиш, уни соғлом турмуш тарзига қайтаришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятида профилактика инспектори жамоат тартибини сақлашнинг асосий ижрочиси, ҳуқуқбузарликларни барвақт

олдини олувчи, инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилувчи ҳамда жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим субъект сифатида намоён бўлади.

Профилактика инспектори томонидан ҳужжатларни холис ва асосли расмийлаштириш, судга такдим этиладиган материалларни ҳуқуқий жиҳатдан пухта тайёрлаш қарорларнинг адолатли қабул қилинишига хизмат қилади. Шахсни даволаш муассасасига жойлаштириш жараёнида инсон кадр-қимматида ҳурмат, қонунийлик ва инсонпарварлик устувор бўлиши лозим. Даволаш даврида наркология муассасалари билан узлуксиз ҳамкорлик ўрнатиш, беморнинг ҳуқ-атвори ва реадaptация жараёнини мониторинг қилиш даволаш самарадорлигини оширади.

Даволашдан кейин эса шахсни жамиятга мослаштириш, ишга жойлаштириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла, соғлиқни сақлаш органлари, пробация хизмати ва жамоат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали мазкур тизим самарали ишлайди. Шу тарзда профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш жинойтчиликнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва инсон қадрини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357> (моддалар: 3, 6, 28–39 ва бошқалар).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон Қарори “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

(ўзгартиришлар билан, жумладан 2024 йил 6 февраль ҳолатига). <https://lex.uz/ru/docs/3141186?ONDATE2=06.02.2024&action=compare> (2-банд ва бошқа тегишли қисмлар, “Хавфсиз маҳалла” тамойилига мувофиқ ислохотлар контекстида).

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни (профилактика инспекторлари ва ички ишлар органларининг ваколатлари бўйича). <https://lex.uz/docs/3027843> (4, 15, 16-моддалар ва бошқалар).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни (профилактика инспекторлари ва ички ишлар органларининг ваколатлари бўйича). <https://lex.uz/docs/3027843> (4, 15, 16-моддалар ва бошқалар).

7. Ahmad o'g'li S. M. NOGIRONLIGI BO 'LGAN SHAXSLARNING SHAXSIY HUQUQ VA ERKINLIKLARINI TA'MINLASHNING MILLIY MEKANIZMLARI //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 482-489.

8. Ahmad o'g'li S. M. et al. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ //Modern education and development. – 2025. – Т. 26. – №. 1. – С. 171-176.

9. Чориев М. А. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ //ХАБАРШЫСЫ. – 2022. – Т. 3. – С. 156.

10. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.

11. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.

12. ЧОРИЕВ М. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАСНИФИ //UNIVERSITETI XABARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.

13. Фозилов У. Э. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИ-МОҲИЯТИ //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 9. – С. 4-8.

14. Фозилов У. Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. – 2009.

15. Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.

16. Ниматов Ш. Н. и др. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 229-243.

17. Ниматов Ш. Н. и др. АЁЛЛАР ЎРТАСИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИК: САБАБЛАР, ТАҲЛИЛ ВА ПРОФИЛАКТИК ЁНДАШУВЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 365-379.

18. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

19. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 380-392.

20. Ниматов Ш. Н. и др. ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА ҲАМДА Е-ЎТІМОІУ PROFILAKTIKA ТІЗИМИ: АХЛОҚҚА ҚАРШИ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 450-465.

21. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ‘МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ’БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 436-449.